Шундай қилиб, двигател ва узатмалар қутиси ўртасида яна бир агрегат бўлиб, у қолганларни узиш-қўйиш вазифасини бажарсин.

Илашиш муфтаси, автомобилни ўз жойидан оҳиста қўзғатиш, узатмалар алмаштирилганда қисқа вақт двигателни куч узатмасидан ажратиш ва у нотекис йўлдан ҳаракатланганда куч узатмасини динамик турткилар таъсиридан сақлаш вазифасини бажаради. Илашиш муфтаси уч қисмдан: илашиш муфтасининг ўзи, юритмаси, кучайтиргичидан иборат.

3.2. Илашиш муфтасига қўйиладиган талаблар.

Илашиш муфтаси ўзига қўйилган вазифани бажара олиши учун, қатор талабларни қондириши керак:

1. Двигателдан куч узатмасига буровчи моментни ишончли узатиш зарур;
2. Етакланувчи ва етакловчи қисмлари тўла ва текис уланиши зарур;
3. Қисмларнинг тоза ажралишини таъминлаш керак;
4. Етакланувчи қисмларининг инерция momenti энг кичик бўлиши керак;
5. Ишқаланувчи юзалардан иссиқликни яхши тарқатиши лозим;
6. Куч узатмасини динамик кучлардан муҳофаза қилиши керак;
7. Эксплуатация пайтида етакловчи ва етакланувчи қисмларни сиқувчи кучни бир меъёрга сақлаши керак;
8. Бошқариш учун энг кам куч сарф этилиши керак;
9. Яхши мувозанатланган бўлиши зарур;
10. Кичик массали ва ўлчамли, тузилиши содда ва қаров ўтказиш ўнғай, шовқинсиз ишлаши керак.

						Вара
						26
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана		

3.3. Илашиш муфтасининг таснифи.

I. Етакловчи ва етакланувчи деталлар орасидаги боғланиш бўйича:

- а) фрикцион.
- б) гидравлик.
- в) электромагнитли.

II. Ишқаланувчи деталлар формаси бўйича фрикцион илашиш муфталари қуйидагиларга бўлинади:

- а) диски;
- б) махсус (конусли, лентали ва бошқ.)

Дискли илашиш муфтаси, қуруқ диски ва дискаси майда бўлган турларга бўлинади.

Дисклар сони бўйича: бир, икки ва кўп диски бўлади.

III. Дискли илашиш муфталари сиқувчи кучни ҳосил қилиш усули бўйича, қуйидагиларга бўлинади:

- а) пружинали (пружиналар доира бўйича жойлашган ёки битта марказий);
- б) ярим марказдан қочма;
- в) марказдан қочма;
- г) электромагнитли.

IV. Юритмасининг конструкцияси бўйича:

- а) механик;
- б) гидравлик;
- в) пневматик;
- г) электрик;
- д) аралаш.

Илашиш муфтасига қўйилган талаблар, унинг ҳар хил йўл шароити учун, турли хилларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Иш жараёнининг хусусияти бўйича, етакловчи ва етакланувчи қисмлари, етакчи ғилдираклар билан туташган ва туташмаган бўлиши мумкин. Автоматик куч узатмасига эга, (гидротрансформаторли) автомобиллардан ташқари ҳаммасида етакчи ғилдираклар билан туташган илашиш муфтаси ишлатилади. Бу типдаги муфталарда етакланувчи ва етакловчи қисмлар автомобилни жойидан қўзғатилганда, узатмадан узатмага ўтганда ва тормозланиш жараёнидагина ажратилади. Етакчи ғилдираклар билан туташмаган муфталарда эса, двигател тирсакли валининг кичик бурчак тезлигида етакланувчи ва етакловчи қисмлари ажратилган бўлиб, тезлик ортганда автоматик равишда қўшилади.

Ишқаланувчи юзаларни бир-бирига сиқиш усули бўйича пружинали, электромагнитли, ярим марказдан қочма ва марказдан қочма турлари бўлиши мумкин. Етакланувчи ва етакловчи дискларни пружина ёрдамида сиқиш усули энг кўп тарқалган. Сиқувчи пружиналар доира бўйлаб бир ёки икки қатор жойлашиши мумкин. Ёки энг кўп тарқалган диафрагмасимон (Матиз,

						Вара
						27
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана		

Илашиш муфтаси юритмасининг тури бўйича механик, гидромеханик, пневматик, электрик, ўзаро уйғун бўлиши мумкин. Енгил автомобилларда, кичик ва ўрта вазнда юк кўтарадиган автомобилларда механик ва гидравлик турлари қўлланилади. Катта вазндаги юк автомобилларида ўзаро уйғун механик-пневмо кучайтиргичли (МАЗ, КрАЗ), гидравлик-пневмо кучайтиргичлиси (КамАЗ) автомобилларида ишлатилади.

						28	Вара
Улч.	Вара	Хужолат №.	Имзо	Сана			

3.4. Илашиш муфтасига қўйилган талабларнинг конструкциясида қондирилиши ва уни баҳолаш.

Илашиш муфтасининг иш жараёни, етакчи ва етакланувчи дискларнинг бир-бирига ишқаланиши натижасида амалга оширилади. Буровчи момент даврида етакланувчи ва етакловчи қисмларининг шатаксираши ҳисобига ҳароратнинг кўтарилиши, қопламаларининг ейилиши жадаллашади. Бундан ташқари, сиқувчи пружиналар синиши, дисклар орасига сув, мой кириб ишқаланиш коэффиценти камайиши, кўп дискли муфталарда эса уларнинг орасидаги тирқиш катта бўлиб кетиши мумкин. Илашиш муфтасининг ишқаланиш моменти M_T куйидагича аниқланади:

$$M_e = Me_{\max} \cdot \beta; \text{H} \cdot \text{M}$$

бу ерда:

M_c - илашиш муфтасини ишқаланиш моменти, Нм.

$Me_{\max}$ - двигателнинг энг катта буровчи моменти;

β - илашиш муфтасининг эхтиёт коэффициенти.

Пружиналарнинг сиқувчи кучи соzланмайдиган илашиш муфтaларда, енгил автомобиллар учун $\beta = 1,3 \dots 1,75$, енгил шароитда ишловчи юк автомобиллари учун $\beta = 1,6 \dots 2,2$, қийин йўл шароитида ва тиркама билан ишлайдиган юк автомобиллари учун эса $\beta = 2,0 \dots 2,5$ бўлиши мумкин.

β нинг ортиши педални босиш учун сарфлайдиган кучининг катталашшини талаб этади. У куч эса ГОСТ билан меёрланган. Мабодо β ни катталаштириш зарурияти бўлса, илашиш муфталарининг юритмасида кучайтиргич киритилиб, хайдовчининг меҳнати бировз енгиллаштирилади. Илашиш муфтасининг дисклари ажралишида эса пружиналар бикрлиги ҳар хил. Конуссимон пружинанинг бикрлиги энг катта, тарелкасимон (диафрагма) эса энг кичик, цилиндрик пружинаники эса ўртада. Илашиш муфтасини бошқаришда хайдовчига энг ўнғай диафрагмасимон пружиналисидир, сабаби шуки бикрлиги кичик ва у кам куч сарф этади. Шунинг учун ҳозирги замон автомобилларида кенг қўлланилмоқда.

3.5. Илашиш муфтасининг вазифаси ва асосий турлари.

Вазифаси: Илашиш муфтаси куйидаги вазифаларни бажаради:

1) Двигател тирсакли валини узатмалар қутисидан вақтинча ажратиш ва равои улаш.

Бу эса:

- автомобилнинг *равон кўзгалишини* таъминлайди;

- деталлардаги юкланишларни *оширмай* поғоналарни алмаштиришни таъминлайди;

- *двигателни тўхтатмай туриб* автомобилни *тўхтатиш* имконини беради.

2) Кескин тормозланиш жараёнида куч узатмасы деталларнинг *ортиқча юкланишидан* сақлайди ва уларнинг хизмат муддатини узайтиради.

Илашиш муфтаси **етакловчи** ва **етакланувчи** қисмлардан ташкил топган:

Етакловчи қисмга тирсакли вал билан боғланган (доимо айланувчи) деталлар киради.


Етакланувчи қисмга илашиш муфтаси двигател ва куч узатмаси ўзаро ажратилганда етакловчи қисмдан ажраладиган деталлар киради.

Турлари: Етакчи ва етакланувчи қисмлар орасидаги боғланиш таснифига асосан илашиш муфталарини **фрикцион**, **гидравлик** ва **электромагнит** (кукунли) турларга ажратилади. Энг кўп тарқалган-бу фрикцион илашиш муфталаридир. Уларда буровчи момент етакчи қисмдан етакланувчи қисмга, шу қисмларнинг таъсирлашиш юзаларидаги илашиш кучи ёрдамида узатилади. **Гидравлик** (гидромуфта) илашиш муфталарида етакчи ва етакланувчи қисмлар боғланиш, шу қисмлар орасида ҳаракатланаётган суюқлик оқимининг босими билан амалга оширилади, **электромагнит** илашиш муфталарида эса магнит майдон ёрдамида амалга оширилади.

Буровчи момент илашиш муфтаси орқали ўзгармас ҳолда узатилади-
етакчи қисмдаги момент M_1 етакланувчи қисмдаги момент M_2 га тенг.

Фрикцион илашиш муфтаси 9-расмда кўрсатилган. Етакчи қисмга двигател маховиги 3, ғилоф 1 ва сиқувчи диск 2, етакланувчи қисмга-етақланувчи диск 4 тегишли. Сиқувчи диск 2 ғилоф 1 билан бикр пластинкалар 5 ёки бир бошқа ўзаро ҳаракатчан боғланишга эга. Бу ғилофдан сиқувчи дискка буровчи моментни узатишни ва илашиш муфтаси ажратилганда ёки уланганда сиқувчи дискни ўқ бўйича ҳаракатини таъминлайди. Бундан ташқари, фрикцион илашиш муфтасини улашни, ажратишни амалга оширувчи ва илашиш муфтасининг юритмасини ташкил этувчи деталлар алоҳини гуруҳни ташкил этади.

						<i>Вара</i>
						30
<i>Үлч.</i>	<i>Вара</i>	<i>Хужжат №.</i>	<i>Имзо</i>	<i>Сана</i>		



9-расм. Фрикцион илашиш муфтаси схемаси.

Илашиш муфтасини улаш пружиналар 6 ҳосил қилган куч таъсирида амалга оширилади, ажратиш эса ричаглар 7 ни (одатда улар 3 ёки 4 та бўлади) ғилоф 1 га маҳкамланган нуқталарига нисбатан бурганда юқоридаги сиқиш кучини енгиш туфайли амалга оширилади. Ричаглар 7 ғилоф билан бирга айланади, шунинг учун уларга айланмаётган деталлардан ҳаракатни узатиш учун уларга айланмаётган деталлардан ҳаракатни узатиш учун эзувчи подшипникли ажратиш муфтаси ишлатилади.

Муфта вилка 9 ёрдамида сурилади. Илашиш муфтасининг механик юритмаси педал 10, тортқи 12, пружина 11, вилка 9 дан иборат.

Агар педал 10 эркин ҳолда бўлса, илашиш муфтаси уланган бўлади (етакловчи ва етакланувчи қисмлар уланган) бўлади, чунки етакланувчи диск 4 маховик 3 билан сиқувчи диск 2 ўртасида пружиналар 6 ёрдамида сиқиб кўйилган. Буровчи момент етакчи қисмдан етакланувчи қисмга етакланувчи дискни маховик билан ва сиқувчи диск билан таъсирлашувчи илашиш юзалари орқали узатилади. Педал 10 га куч таъсир қилганда (босилганда) илашиш муфтаси ажратилади чунки ажратиш муфтаси подшипник 8 билан ўқ бўйлаб маховик томон ҳаракатланиб, ричаглар 7 ни буради (ҳаракатга келтиради) ва сиқувчи диск 2 ни маховикдан қарши томонга суради ва етакланувчи диск 4 дан ажратади.

Автомобилни жойидан қўзғалиш жараёнини кўриб чиқамиз. Автомобилни ҳаракатга келтириш учун керак бўлган узатишлар сони узатишлар қутиси ёрдамида таъминланади. Автомобил жойида турган ҳолда узатмани улаганда илашиш муфтасининг етакланувчи диски трансмиссия вали орқали автомобилнинг тинч турган етакчи ғилдираклари билан уланади. Педал аста бўшатилиб, айланма ҳаракат қилаётган маховикни ва сиқувчи дискни тинч турган етакланувчи диск билан бирлаштирилади. Юзаларнинг ўзаро ишқаланувчи кучи ҳисобига етакланувчи дискка буровчи момент узатилади. Ишқаланиш кучи ҳаракатга қаршилиқ кучини енгиш даражасига етганда,

етакланувчи диск ва ғилдираклар айланишни бошлайдилар, автомобил жойидан кўзғалади ва тезлашишни бошлайди.

Илашиш муфтаси уланиш жараёнида айрим вақт мобайнида етакланувчи дискнинг юзаларида унга сиқилган маховик ва сиқувчи диск юзаларига нисбатан сезиларли миқдорда иссиқлик ажралиши билан содир бўладиган сирпаниш ҳосил бўлади. Бунда етакланувчи дискнинг айланиш частотаси ортади, маховикнинг айланиш частотаси эса одатда камаяди. Двигателни ўчиб қолишини олдини олиш учун илашиш муфтаси педалини равон бўшатиб бир вақтнинг ўзида маховикдаги моментни ва унинг айланиш частотасини кўпайтириш учун ёнилғи узатиш педалини равон босиш керак. Илашиш муфтасини жуда секин улаш, автомобилни жуда равон кўзғалишини таъминлайди, лекин узоқ вақт дозаларни ўзаро ишқаланиши оқибатида илашиш муфтасини қизиб кетишига олиб келади. Бунда автомобил жуда секин тезлашади. Илашиш муфтасини жуда тез уланганда ғилдиракларга узатилаётган буровчи момент жуда тез ортиб кетади, бунда автомобил жойидан жуда тез кўзғалади. Бундай ҳолда двигателга тушаётган қаршилиқ юкламаси ошиб кетиш ҳисобига двигател ўчиб қолиши мумкин. Бундан ташқари бундай ҳолда куч узатмасидаги деталларга таъсир этувчи динамик юкламалар ошиб кетади. Жумладан, илашиш муфтасини ишга тушириш пайтида автомобилнинг жойидан кўзғалишини равонлиги ва унинг тезланишини интенсивлиги бошланғич фазада сезиларли даражада ҳайдовчининг махоратига боғлиқ бўлади. Илашиш муфтасининг иш жараёнида узатмалар қутисида поғоналарни ўзгартиргандан сўнг илашиш муфтасини улаш жараёнида ҳосил бўладиган юклама ва ишқаланиш, автомобилнинг жойидан кўзғалишида илашиш муфтасида ҳосил бўладиган юклама ва ишқаланишдан анча кам бўлади.

Илашиш муфтасини иш жараёнида ундан ажралиб чиқувчи иссиқликни тарқатишни тезлатиш мақсадида ҳавони айланиб туриши учун ғилоф ва картерда махсус дарчалар ишланади. Маховик ва сиқувчи дискнинг массасини катта бўлиши ҳам илашиш муфтасини ҳароратини пасайтиришга ёрдам беради.

Илашиш муфтасини ажратиш учун етакланувчи дискнинг ҳар бир томонидаги 0,8-1 мм тирқиш бўлиши керак (сиқувчи дискнинг сурилиш йўли 1,6-2 мм). Бунга одатда педалнинг 70-130 мм га тенг ишчи йўли тўғри келади. Илашиш муфтаси педалининг тўла юриш йўли (100-180 мм) ишчи юриш йўли ва эркин юриш йўли (30-50 мм) дан ташкил топган. Эркин юриш йўлининг тўла бажарилиши илашиш муфтасини тўла уланишини кафолатлайди. Педал эркин юриш йўлининг катталиги асосан ричаглар 7 ва подшипник 8 орасидаги «а» тирқиш билан аниқланади.

Илашиш муфталари етакланувчи дискларнинг сонига қараб бир дискли, икки дискли ва кўп дискли бўлиши мумкин. Фрикцион илашиш муфталарини улаш учун битта **марказий пружина** ёки **бир нечта** айлана бўйича жойлашган (периферийний) пружиналар, айрим ҳолларда **суюқлик босими, магнит майдон, марказдан қочирма кучлардан** фойдаланиш мумкин.


Фрикцион илашиш муфтасининг юритмаси **механик, гидравлик, электромагнит** бўлиши мумкин. Кўпгина енгил ва юк автомобилларида механик ва гидравлик юритмалар ишлатилади. Электромагнит юритмаларни


						Вара
						32
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана		

асосан энгил автомобилларда илашиш муфтасини бошқаришни автоматлаштиришда қўлланилади. Илашиш муфтасини бошқаришни осонлаштириш учун механик (сервопружиналар) пневматик ёки вакуумли кучайтиргичлардан фойдаланилади.

Гидравлик илашиш муфтаси (гидромуфта) етакчи ва етакланувчи қисмларга эга. Етакчи қисм паст қовушқоқ ишчи мой билан тўлдирилган хажмни ҳосил қиладиган насосли ғилдирак 3 (10, а-расм) ва қопқоқ 2 дан иборат. Етакланувчи қисм бўлиб турбина ғилдирак 1 ҳисобланади. Насос ва турбина ғилдираклар ташқи 5 ва ички 6 торлар орасида ўрнатилган ва ўзаро улар билан ишчи суюқлик учун паррақлараро каналлар ҳосил қилган паррақлар 4 га эга. Гидромуфта паррақларини одатда текис радиал қилиб тайёрланади. Турбина ғилдирак насос ғилдиракка жуда яқин жойлашган.

Двигател ишлаётган ҳолда насос ғилдирак айланаётган бўлади. Унинг паррақлари паррақлараро каналлардаги суюқликка куч билан таъсир қилиб, уни периферияга отади. Суюқлик насос ғилдиракнинг паррақлараро каналларидан отилиб чиқиб, турбина ғилдиракнинг паррақларига урилади ва паррақлариаро каналларидан ўтиб, яна насос ғилдиракнинг паррақлараро каналларига тушади. Паррақлараро каналларда катта тезлик билан ва бир вақтнинг ўзида насос (ёки турбина) ғилдирак билан бирга айланувчи суюқликнинг ёпиқ айлана оқими ҳосил бўлади (10.,а-расмда стрелка билан кўрсатилган). Суюқлик насос ғилдирак паррақларидан энергия олиб, уни турбина ғилдиракка олиб ўтади ва унинг паррақларига куч билан таъсир қилиб, бу ғилдиракка буровчи моментни узатади. Насос ғилдирак қанчалик тез айланса, гидромуфта шунчалик кўп буровчи моментни узатиш мумкин. Паррақли ғилдиракларнинг айланиб турган пайтида гидромуфтани тўла ўзиш учун ундан суюқликни чиқариб юбориш керак. Бунинг учун илгарилаш клапани 12, бак 11, таъминлаш насоси 10 сақлагич клапани 9 билан, тўлдириш клапани 7, баъзида эса суюқликни совутиш учун радиатор 8 керак бўлади. Бундан гидромуфтанинг ишга тушириш ва узиш вақти узоқ давом этади.





11-расм. Бир дискли фрикцион илашиш муфтаси

Тўрт дона илашиш муфтасини ажратиш ричаглари 9 игнасимон подшипникли ўқлар билан бирга сиқувчи диск ва вилка 11 билан бирлаштирилган. Ғилофда вилкаларнинг таянчи бўлиб вилкаларга сиқувчи дискни суришда тебранма ҳаракат қилишга йўл қўядиган сферик гайкалар хизмат қилади. Илашиш муфтасини йиғишда бу гайкалар билан ажратиш ричагларининг ҳолати ростланади.

Ажратиш муфтаси фойдаланиш жараёнида тўлдирилмайдиган, мойлаш материалнинг доимий захирасига эга таянч подшипник 7 билан таъминланган. Вилка 8 қартер 10 да втулкаларда айланади.

Буровчи тебранишларни пружина-фрикцион сўндиргичи (демпфер) илашиш муфтасининг етакланувчи диски 6 да ўрнатилган. Ингичка пўлат диск 6 нинг 2 томонидан металл асбест композициялардан исканжаланган фрикцион накладка 18 ёпиштирилган. Диск узатмалар қутисининг етакчи вали 13 да, ўрнатилган гупчак 12 билан буровчи тебранишларни сўндиргичнинг 8 та пружинаси 14 билан боғланган. Пружиналар дисklar 15, 20 ва гупчакнинг ўзаро мослаштирилган даражаларида олдиндан сиқилган ҳолатда жойлаштирилган. Дисklar 15 ва 20 мой қайтаргичлар 17, 19 билан бирга гупчагнинг иккала томонидан парчинлар 16 билан қотирилган ва диск 6 га қотирилган сухар 21 га сиқилган.

Буровчи тебранишларни сўндиргич двигателнинг буровчи моментининг тебраниши натижасида ҳосил бўладиган буровчи моментлардан трансмиссияни ҳимоя қилади. Буровчи моментнинг тебранишларида сўндиргич пружиналари


					Вара
Улч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана	35

дискка гупчакка нисбатан ўзаро сурилишга имкон беради. Улар буровчи момент ортганда сиқилади ва камайганда чўзилади. Бунда дисклар 15, 20 ларнинг сухар 21 га ишқаланиши рўй беради ва буровчи тебранишлар энергияси иссиқликка айланади. Умуман олганда буровчи тебранишларни сундиргич трансмиссия, айниқса тишли ғилдираклар ва карданнинг умрини узайтиради. Бундан ташқари, у илашиш муфтасининг равон ишга тушишини оширади.

Бир дискли илашиш муфтасида, 12,а-расмда кўрсатилган, марказий диафрагмали пружина 7 қўлланилган. Эркин ҳолатда у унинг ички четларидан кетадиган радиал қирқимли кесик конус кўринишига эга. Диафрагма пружина 7 парчинлар 8 ва 2 таянч узук 1, 11 ёрдамида илашиш муфтаси ғилофи 6 га қотирилган. Бунда сиқувчи диск 5 билан таъсирлашаётган диафрагма пружинанинг ташқи чети пружинадан диск 5 га куч узатади.

Педалга босилганда подшипник 10 фрикцион узукка 9 таянади, таянч фланег 3 ни пружинанинг ички четига сиқади ва уни маховик 4 томонга суради. Пружина карама-қарши томонга букланади, унинг ташқи чети фиксаторлар 12 билан сиқувчи диск 5 ни етакчи диск 2 дан ажратади ва илашиш муфтаси ажралади.

2 дискли илашиш муфтаси (12,б-расм) куйидаги деталларга эга: етакчи қисм маховик 4, ўрта етакчи диск 13, сиқувчи диск 5 ва ғилоф 6 етакланувчи қисм-буровчи тебранишларни сундиргичлар билан 2 та етакланувчи диск. Дискларни сиқувчи куч сиқувчи пружиналар 14 билан ҳосил қилинади. Момент двигателдан илашиш муфтасини ишга тушириш ва ўчиришда маховикка нисбатан ўқ бўйича сурилувчи, дисклар 13 ва 5 нинг бўртиқлари кириб турувчи маховикдаги 4 та паз ёрдамида узатилади.




12-расм. Бир ва икки дискли илашиш муфтаси.

Ўлч.	Вара	Хужжат №.	Имзо	Сана

Ўрта етакчи диск 13 да рычаг механизми 15 ўрнатилган. Унинг пружинаси илашиш муфтаси ўчирилишида Z симон рычагни буради, рычаг эса маховик 4 ва сиқувчи диск 5 га таяниб, ўрта етакчи диск 13 ни маховик ва сиқувчи дискдан бир хил масофада туришини таъминлайди. Ўчириш рычаглари 16 илашиш муфтасини ўчириш муфтаси подшипники 10 нинг ташқи обоймаси илашиш муфтаси ўчирилишида таянадиган таянч узук 9 билан бириктирилган.

Илашиш муфтасини асосий айланувчи деталари статик балансга келтирилади. Бундан ташқари, илашиш муфтасини двигателнинг маховиги ва тирсакли вали билан йиғилганда баланслаштирилади. Баланс аниқлиги илашиш муфтасини ўлчамлари ва двигателнинг тезлигига боғлиқ. Сиқувчи дискни ғилоф билан жамланмасини унинг бабишкаларидан метални ўйиб олиб баланслаштирилади, етакчи дискка эса балансловчи пластиналар 22 ўрнатилади (11-расм). Маховикдан илашиш муфтасини ечишда уларнинг ўзаро жамланган ҳолдаги балансини бузмаслик учун уларнинг ўзаро жойлашишини белгилаб олиши керак.

Илашиш муфтасининг механик юритмаси одатда педал илашиш муфтасига яқин жойлашганда қўлланилади. Илашиш муфтасини ўчириш вилкаси вали 7 да бириктирилган рычаг 6 педал 1 рычаги 2 билан тортқи воситасида бирлаштирилган. Вилка таянч подшипник 8 ли муфтана таъсир кўрсатади. Илашиш муфтаси ишлаётган пайтда ўчириш рычагларининг узуги 9 ва подшипник орасида а тирқиш мавжуд бўлади. Механик кучайтиргичнинг сервопружинаси 10 педал кабина полига ёки юришни ченаралагичга таянганда юритма деталларини бошланғич ҳолатда ушлаб туради. Педал ҳаракатининг бошида сервопружина унинг сурилишига тўсқинлик қилади. Сервопружина ўқи педал ўқидан пастлашиб қолганда, сервопружина илашиш муфтасини ўчиришга ҳаракат қилади. Сервопружина педалдаги энг катта кучни 20-40% га камайтиради.



13-расм. Илашиш муфтаси гидравлик юритмаси


					Вара
					37
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана	

Илашиш муфтасининг гидравлик юритмаси бош ғилиндр 3 (13-расм), бажарувчи ғилиндр 10 ва уларни туташтирувчи қувур 11 даги суюқлик воситасида педалдан илашиш муфтасини ўчириш вилкасига куч узатади. Бош ғилиндр бўшлиғи ўтказувчи А ва компенсацион Б тешиклар орқали бачок 5 билан муносабатда бўлади.

Илашиш муфтаси 1 га босилганда бош ғилиндр поршени 4 ўнгдан чапга сурилади ва компенсацион тешик Б ёпилгандан сўнг суюқликнинг қувур орқали бажарувчи ғилиндрга сиқиб чиқаради. Ғилиндр поршени 7 шток 8 орқали илашиш муфтасини ўчириш вилкаси 9 ни бурайди. Педалда ҳосил қилинган куч бош ғилиндрда суюқлик босимига айланади ва суюқлик орқали илашиш муфтасини ажратиш вилкасига узатилади.

Педал қўйиб юборилганда деталлар бошланғич ҳолатга қайтади. Илашиш муфтаси ишга тушади ва ғилиндр ва қувурлардаги суюқлик босими атмосфера босимига тенглашгунча камаяди.

Педал тез қўйиб юборилганда, агар суюқлик қувурдан келиб поршен 4 дан чапда жойлашган бўшлиқни тўлдиришга улгурмаса бош ғилиндрда сийракланиш вужудга келиши мумкин. У ҳолда суюқликнинг бир қисми бачокдан ўтказувчи тешик А орқали поршен 4 ва жипсловчи монжет четларини сиқиб поршендан чапдаги бўшлиққа ўтади. Шу билан сийракланиш оқибатида суюқлик буғларининг пайдо бўлишнинг олди олинади. Суюқликнинг қувурдан келаётган ҳажмига қараб, ортиқча суюқлик бош ғилиндрдан компенсацион тешик Б орқали бачок 5 га қайтади. Бажарувчи ғилиндрда техник хизмат кўрсатиш пайтида гидротизимни прокачка қилишда ҳавони чиқариб юбориш учун клапан 6 мавжуд.



14-расм

Илашиш муфтасининг гидравлик юритмасида ўрнатилган пневматик кучайтиргич (14-расм) 3 асосий қисмдан ташкил топган: энергия манбаи (берилган ҳолатда компрессор ва ресивер сиқилган ҳаво билан), бажарувчи механизм-бажарувчи ғилиндр 13 ва ғилиндр 13 ни ишини бошқарувчи тақсимловчи мослама 6.


Кланан 4 клапан 7 очилаётган пайтда, пневмокучайтиргичга ташқаридан чанг, ифлос, намни киришини олдини олиб сиқилган ҳавога пневмокучайтиргичдан чиқиб кетишга шароит яратади.

3.6. Илашиш муфтасининг хисоби

Берилган N 3 тоифали MAN CLA 16.220 автомобили учун дастлабки маълумотлар

Белгиланиши	MAN CLA 16.220
$M_{e \max}$, Нм	800
H , мм	8
a , мм	80
c , мм	82
d , мм	237
e , мм	33
h , мм	4
b , мм	132
f_{np} , мм	4
$Z_{np.\Gamma}$	8
$r_{np.\Gamma}$, мм	50
β	2,2
D_B , мм	395
d_{np} , мм	5
l_u , мм	32
d_B , мм	28
d_H , мм	35
b_u , мм	6
i_u	10
n_l	18

3.6.1. Етакланувчи диск ўлчамларини аниқлаш



Етакланувчи диск ташқи диаметри

						Вара
Ҳужжат №.	Имзо	Сана				40

						Вара
Үлч.	Вара	Хужжат №.	Имзо	Сана		

1. Диафрагмали пружинанинг кучи қуйидагича аниқланади:

$$P_{np} = \frac{\pi E' h}{6(b-c)^2} f_{np} \ln \frac{b}{a} \cdot \left[(H - f_{np} \frac{b-a}{b-c}) * (H - \frac{f_{np}(b-a)}{2(b-c)}) + h^2 \right],$$

Н

Бу ерда $E' = \frac{E}{1-\mu^2}$, Е-биринчи тартибли эластиклик модули $E = 2 \cdot 10^5$

МПа, μ – Пуассон коэффиценти $\mu = 0,25$, Н-пружина баландлиги; h-пружина қалинлиги.

$$E' = \frac{E}{1-\mu^2} = \frac{2 \cdot 10^5}{1-0.0625} = \frac{2 \cdot 10^5}{0.9375} = 2.133 \cdot 10^5 \text{ МПа}$$

$$P_{np} = \frac{\pi E' h}{6(b-c)^2} f_{np} \ln \frac{b}{a} \cdot \left[(H - f_{np} \frac{b-a}{b-c}) * (H - \frac{f_{np}(b-a)}{2(b-c)}) + h^2 \right] =$$

$$= \frac{3.14 \cdot 2.133 \cdot 10^5 \cdot 4}{6 \cdot (132-82)^2} \cdot 4 \cdot \ln \frac{132}{80} \cdot \left[(8-4 \cdot \frac{132-80}{132-82}) * (8 - \frac{4(132-80)}{2(132-82)}) + 4^2 \right] = 13859 \text{ Н}$$

2. Илашиш муфтасини ажратиш кучи

$$P_{вык} = P_{np} \frac{b-c}{c-e} = 13859 \frac{132-82}{82-33} = 13859 \cdot \frac{50}{49} = 14141 \text{ Н}$$

3. Чўзилишга кучланиш

$$\sigma_p = \frac{E}{1-\mu^2} \cdot \frac{(d-a)\alpha^2 - h\alpha}{2a} = 2.133 \cdot 10^5 \frac{(106-80) \cdot 10^2 - 4 \cdot 10}{2 \cdot 10} =$$

$$= 2.133 \cdot 10^5 \cdot \frac{2560}{20} = 273 \cdot 10^5 \text{ МПа}$$

Эркин ҳолатда $\alpha \approx 10...12^\circ$

4. Букилишга кучланиш

$$\sigma_{II} = \frac{P_{вык} (a-e)}{n_{II} \omega_{II}} = \frac{14141(80-33)}{18 \cdot 10,66} = 3,463 \text{ МПа}$$

						Вара
						42
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана		

n_l — диафрагмали пружина барглари сони, ω_{II} — хавфли қирқимдаги букилишга қаршилик моменти.

$$\omega_{II} = h^3 / 6$$

5. Илашиш муфтаси етакланувчи дискига солиштирма босим

$$p_0 = \frac{4P_{np}}{\pi(D^2 - d^2)} = \frac{4 \cdot 13859}{3,14(27,3^2 - 16,4^2)} = \frac{55436}{3,14 \cdot 476,33} = 37, \text{ Н/см}^2$$


3.6.3. Бурама тебранишларни сўндиргич пружинаси

Сўндиргич пружиналар сони одатда 4 дан 8 гача. Пружина параметрлари: сим диаметри $d_{np} = 4$ мм, $D_B = 15 \dots 18$ мм, пружина ўрамларининг тўлиқ сони $5 \dots 6$, пружина бикрлиги $100 \dots 300$ Н/мм.

Сўндиргичнинг бир пружинасини сиқувчи максимал куч:

$$P'_{np.\Gamma} = \frac{(1,2 \dots 1,3) M_{K_{max}} \beta}{r_{np.\Gamma} Z_{np.\Gamma}} = \frac{1,3 \cdot 268 \cdot 2,2}{50 \cdot 8} = 1916, \text{ Н}$$

Бу ерда, $r_{np.\Gamma}$ — пружинага кучни қўйилиш радиуси; $Z_{np.\Gamma}$ — сўндиргич пружиналари сони.



						Вара
Ўлч.	Вара	Хужжат №.	Имзо	Сана		43

Пружина кучланиши

$$\tau = \frac{8P'_{np.\Gamma} D_B k_{к.в.}}{\pi d_{np}^3}, \text{ МПа}$$

$k_{к.в.}$ – пружина ўрамининг эгрилигини ҳисобга олувчи коэффиценти:


$$k_{к.в.} = \frac{4c-1}{4c-4} + \frac{0,615}{c}, \quad C = \frac{D_B}{d_{np}}$$

$$C = \frac{D_B}{d_{np}} = \frac{14}{5} = 2.8 \quad k_{к.в.} = \frac{4 \cdot 2.8 - 1}{4 \cdot 2.8 - 4} + \frac{0,615}{2.8} = \frac{10.2}{7.2} + 0.22 = 1.64$$

$$\tau = \frac{8P'_{np.\Gamma} D_B k_{к.в.}}{\pi d_{np}^3} = \frac{8 \cdot 1916 \cdot 0.014 \cdot 1.64}{3.14 \cdot 125 \cdot 10^{-9}} = 896 \text{ МПа}$$

Пружинали пўлат учун рухсат этилган кучланиш $[\tau] = 700 \dots 900 \text{ МПа}$

Етакланувчи диск гупчаги



Эзилишга кучланиш

$$\sigma_c = \frac{P_{ш}}{F \alpha_{ш}}, \text{ МПа}$$

Бу ерда, $P_{ш} = M_{K \max} \beta / r_{cp}; \quad r_{cp} = (d_H + d_B) / 4;$
 $F = 0,5(d_H + d_B) l_{ш} i_{ш}$

$l_{ш}$ – шлицлар узунлиги; $i_{ш}$ – шлицлар сони; $\alpha = 0,75$ – шлицларнинг ўрнашиш аниқлиги коэффиценти; d_H ва d_B – мос равишда шлицларнинг ташқи ва ички диаметрлари.

					Вара
					44
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана	

[illegible]

3.7. Илашиш муфтасини асосий қисмларининг материаллари

Илашиш муфтаси қисмларининг materialiни танлаш унда рўй берадиган ишчи жараёнларни, мустаҳкамлик кўрсаткичларини, тайёрлаш технологияси ва амалдаги конструкцияларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

№	Илашиш муфтаси элементларини номи	Тавсияланган материаллар
1	Илашиш муфтасини етакланувчи дискни губчаги	Пўлат АВТ-35 НВ-156...207 Пўлат 45, НВ 269...302 Пўлат 40х яхшиланган НРС 25...30 Пўлат 35, 85, 20
2	Кўшиш муфтаси	СЧ 18-36, НВ 163...229
3	Илашиш муфтасини педалини кронштейни	КЧ 35-10, НВ 163
4	Илашиш муфтасини педали	КЧ 35-10, НВ 163 КЧ 37-12, куйма пўлат
5	Илашиш муфтасини педал кронштейнин втулкаси	Латунь ЛС 74-3, ЛКС 65-1. 5-3
6	Илашиш муфтаси педалини валиги	Пўлат 45 НРС 50...58
7	Сиқувчи пружина	Пўлат 65 Г, НРС 43...48 Алюминли қотишма МКЦС
8	Илашиш муфтасини картери	СЧ 18-36, НВ 143...179 СЧ 15-32
9	Илашиш муфтасини етакловчи диски	СЧ 15-32, хром никелланган чўян НВ 183...235, С4 18-36
10	Илашиш муфтасини ажратиш вилкаси	Пўлат 45, НРС 52...62 Юза тобланиши ю.ч.т. билан 1...4 мм чуқурликда
11	Илашиш муфтаси педалини ўқи	Пўлат 40 ю.ч.т. билан тоблаш. 1...2,5 мм чуқурликда НРС 38-62
12	Ажратиш ричагларини муфтаси	Пўлат 35, НВ 207... 241 Пўлат 35, тоблаш НВ 241...285
13	Илашиш муфтасини ажратиш втулкасини вали	Пўлат 36, НВ 207... 241
14	Илашиш муфтасини ажратиш вилкасини валининг втулкаси	БР. ОЦС 5...5...5
15	Илашиш муфтаси картерининг пастки қопқоғи	Пўлат 08
16	Илашиш муфтасининг етакланувчи диски	Пўлат 08, пўлат 10, 65г, 50
17	Дискни ажратувчи ричаги	Пўлат 08, 10, 35, 12ХНМА, 50
18	Фрикцион ҳалқа	Ферродо, металокерамика асбобакелит, асбоқучукли композиция

						Вара
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана		46

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишининг конструкторлоик қисмида N3 тоифали МАН CLA 16.220 юк автомобилига диафрагмали илашиш муфтаси танлаш ва ҳисоблаш ишлари амалга оширилган.

Курс лойиҳасида конструкциянинг зарурати, таснифи, вазифаси ва унга қўйиладиган талаблар ва ушбу талабларнинг конструкцияда қондирилиши келтирилган.

Конструкциянинг қисмларида юзага келадиган юкламалар, унга таъсир этувчи кучлар, унинг иш жараёни таҳлил қилинди. Ҳисоб-китоб натижасида қуйидашилар аниқланди:

1. Етакланувчи диск ташқи диаметри $D = 395\text{мм}$
2. Етакланувчи диск металл қисмининг қалинлиги $B = 6\text{ мм}$

II. Илашиш муфтасидаги юкланишлар

Диафрагмали пружинанинг сиқувчи кучи: $P_{пр} = 13859\text{Н}$

Илашиш муфтасини ажратиш кучи $P_{вык} = 14141\text{Н}$

Чўзилишга кучланиш $\sigma_p = 273 \cdot 10^5\text{МПа}$

Букилишга кучланиш $\sigma_{II} = 3,463, \text{МПа}$

Илашиш муфтаси етакланувчи дискига солиштирма босим $p_0 = 37, \text{Н/см}^2$

Бурама тебранишларни сўндиргич пружинаси

Сўндиргичнинг бир пружинасини сиқувчи максимал куч: $P'_{пр.г} = 1916, \text{Н}$

Пружина кучланиши $\tau = 896\text{МПа}$

Етакланувчи диск гунчаги

Эзилишга кучланиш $\sigma_c = 2,7\text{МПа}$

Қирқилишга кучланиш $\tau_c = 25.6\text{МПа}$

Натижалар шуни кўрсатадики конструкция мустаҳкамлиги бўйича, унда ишлатилган материаллар меъёрий талабларга жавоб беради.

									Вара
									47
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана					

IV. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

- 4.1. Фургон автомобилларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.
- 4.2. Чилангарлик-механик иш жараёнига техника хавфсизлиги талаблари.
- 4.3. Сиқилган ҳавода ишлаётган асбоб-ускуналар техник хавфсизлиги.

4.1. Фургон автомобилларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш

Автомобил-фургонлар оддий бортли автомобиллардан кузовнинг усти ёпиқлиги билан фарқланади. Улар халқ истеъмоли молларини ва тез бузилиб қолувчи озиқ-овқат маҳсулотларини ташишда ишлатилади.

Автомобил-фургонлар ташиш жараёнида юкларнинг сақланувчанлигини таъминлайди, енгил вазнли юкларни ташишда автомобилларнинг юк кўтариш қобилиятидан тўла фойдаланиш имконини беради, юкларни ташишда тара-идишлар ва қадоқлаш (упаковка қилиш)га кетадиган сарф-ҳаражатни тежайди.

Автомобил-фургонларнинг асосий турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

-универсал фургонларда саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини упаковкада ташилади, унда ташиш фургон автомобиллари. Бу фургонлар мебеллар, тайёр кийим-кечаклар, газмоллар, бош кийимлар, нон ва булочка маҳсулотлари ташишда ишлатилади.

Тез бузилиб қоладиган юклар изотермик музлатилган ёки мўътадил ҳароратли рефрижераторларда ташилади.

Тез бузилиб қоладиган юкларга турли озиқ-овқат маҳсулотлари, гўшт, сут, балиқ, мева-савзотлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар киради. Бу маҳсулотлар тез бузилиб қолишига сабаб микроорганизмлар ва биокимёвий реакцияларининг маҳсулот сифатига салбий таъсиридир (+20...+30 ҳароратда айниқса тезлашади). Паст ҳароратда бу кимёвий жараён секинлашади.Шунинг учун тез бузилиб қоладиган маҳсулотларни паст (минусли) ҳароратда ташилса, уларнинг сифатли сақланиши таъминланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун зарур юқори ва паст ҳарорат режимлари мавжуд:

Гўшт учун	+10 дан +4 гача
Сут маҳсулотлари учун	+5 дан 0 гача
Помидор учун	+8 дан +4 гача
Узум учун	+8 дан +1 гача


Музлатилган маҳсулотларни ташиш ҳарорати

Музлатилган балиқ	-18
Сариғ ёғ ва бошқа мойлар	-14
Музлатилган гўшт	-10

Бундай маҳсулотларни ташийдиган транспорт воситаларига қўйиладиган талаблар “Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташиш тўғрисидаги низом”да батафсил келтирилган.Бундай маҳсулотларни ташишда зарур ҳароратни таъминлаш учун фургонга компрессорли қурилма ўрнатилади.

						Вара
						48
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана		

Ҳайдовчи фургонни совитишдан аввал термостатни зарур ҳароратга сошлаб қўйди, сўнгра двигателни юргизди. Компрессор 1 дан фреон(14-расм) ҳайдаш клапани 18 ва конденсатор 4 орқали ўтиб бориш жараёнида атроф-муҳитга иссиқликни бериб, ўзи суюқликка айланади.Сўнгра суюқ фреон вентили 3 дан ўтиб, балон 2 га йиғилади, ундан мой нам ажраткич 14, иссиқ алмашувчи 16, кенгайтирувчи вентили клапан 13 ва коллектор 12, буғлаткичнинг бурама найчаси 11 дан ўтиб, газ ҳолатига қайтади.



14-расм. Термокинг музлатиш қурилмасининг схемаси.

Фургон-рефрижераторнинг умумий кўриниши 15-расмда келтирилган.

4.2. Чилангарлик-механик иш жараёнига техника хавфсизлиги талаблари.

Бу ишлар пайвандлаш ёки қоплаш (наплавка) дан кейин деталларга механик ишлов бериш, тормоз барабанларини йўниб ташлаш, подшипник ўриндиқларини қайта тиклаш учун втулкаларни йўниш ва тайёрлаш, илашма муфтаси дисklarининг ишчи юзасини йўниш, эзилган юзаларини фрезалаш, бураб чиқариб бўлмайдиган резбали бирикмаларини катта тезлик билан айланадиган абразив доиралар билан кесиб ташлаш (юриш қисми ва газларни чиқариш тизимида кўп учрайди), маҳкамловчи деталларни тайёрлаш (болтлар,гайкалар, шпилкалар,шайбалар) ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Умумий ЖТ ишлари ҳажмида 4...12% ни чилангар-механик ишлари ташкил этади. Носоз узелларни таъмирлаш ўрнига уларни янгисига алмаштиришни афзал, деб билган автосервис корхоналари ва АТК ларга бу ишларни кам улуши тўғри келади.

Автомобилдаги бузилишларнинг кўп қисмини механикавий бузилишлар ва ейилишлар ташкил қилади. АТК шароитида бундай деталларни пайвандлаш ёки чилангар-механик ишлов бериш орқали қайта тикланади. Биринчи ҳолатда яроқсиз деталлар газ ёки электр ёй билан пайвандланади, кейин эса, чилангарлик ишлови берилади. Бунга цилиндрлар блоки каллагидаги ва турли кронштейнлардаги ёриқларни пайвандлаш ишлари мисол бўла олади. Иккинчисида эса таъмирлаш ўлчамлари деб аталадиган усул қўлланилади. Валнинг ёйилган бўйнига номинал ўлчамдан кичкина ва бириктириладиган деталнинг таъмирлаш ўлчамига мос қилиб ишлов берилади. Шундай усул билан валларнинг ўзак ва шатун бўйинлари, газ тақсимлаш клапанларининг тарелкалари, ҳар хил валчалар ва деталлар тикланади. Кўпинча қўшимча деталларни ўрнатиш усулидан ҳам фойдаланилади. Масалан, узатмалар кутисидаги етакловчи вал бўйинлари ейилганда кичик таъминлаш ўлчами бўйича механик ишлов берилади ва унга токарлик станогиди (вал қайси материалдан тайёрланган бўлса, ўша материалдан) тайёрланган втулка пресслаб киргизилади. Втулканинг ташқи диаметрига вал бўйнининг дастлабки ўлчамига мос равишда механик ишлов берилади. Цилиндрлар блоки каллагидаги ўт олдириш чакмоқлари маҳкамланадиган резба ёйилса, аввал катта диаметрда пармалаб текисланади, сўнгра резба очилади. Кейин резбали втулка бураб киргизилади, ундаги ички резба эса ўт олдириш чакмоғининг ўлчамига мос бўлади.

Хавфсизлик талаблари

1. Чанг ва қириндидан ҳимояловчи кўзойнак
2. Хона шамоллатилганлиги таъминланган бўлиши шарт.
3. Иш жойи етарли ёритилган бўлиши керак
4. Чилангар техника хавфсизлиги бўйича инструктажи ўтган бўлиши керак.

Юқорида қайд қилинган ишларни чилангар-механик устахонасида винт кесувчи токарлик, пармалаш, фрезалаш, силлиқлаш ва бошқа турдаги станоклар ёрдамида, шунингдек чилангар дастгоҳларда кўп билан бажарилади.

						Вара
						51
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана		

УМУМИЙ ХУЛОСА

Битирув малакавий ишининг автомобил эксплуатацион хусусиятлари таҳлили қисмида берилган MAN CLA 16.220 автомобилнинг тортиш-тезлик ва ёнилғи тежамкорлик хусусиятлари ҳисобланиб, таҳлил қилинди ва натижалар қуйидагича:

Двигателнинг максимал қуввати, $N_{e \max} = 162$ (кВт)

Двигатель тирсакли валининг максимал қувватига мос келувчи бурчак тезлиги, $\omega_N = 250$ (c^{-1})

Двигателнинг максимал буровчи моменти, $M_{e \max} = 800$ ($H \cdot m$)

Двигатель тирсакли валининг максимал буровчи моментиға мос келувчи бурчак тезлиги, $\omega_M = 157$ (c^{-1})

Автомобилнинг ҳар бир поғонадаги тезлиги аниқланди. Тортиш баланси графиги қурилди. Унга кўра, автомобилнинг максимал тортиш кучи $P_{T \max} = 44219H$, автомобилнинг максимал тезлиги $V_{a \max} = 26,77 m/c$. Қувват баланси графиклари қурилди.

Берилган автомобилнинг ёнилғи тежамкорлик характеристикаси графиги йўлнинг умумий қаршилиги $\Psi_1=0,015$ ва $\Psi_2=0,02$ бўлган йўл шароитларида, узатмалар қутисининг охириги поғонаси учун қурилди. Масалан, йўлнинг умумий қаршилиги $\Psi_1=0,015$ бўлган йўл шароитида, автомобил 26,8 м/с турғун тезлик билан ҳаракатланганда 100 км масофаға 27 л ёнилғи сарф қилиши аниқланди. Бундан ташқари, умумий қаршилиги $\Psi_2=0,02$ бўлган йўл шароитида, автомобил 26,8 м/с турғун тезлик билан ҳаракатланганда 100 км масофаға 31,2 л ёнилғи сарф қилиши маълум бўлди.

Бундан, шуни ҳулоса қилишимиз мумкинки, автомобил йўл шароити яхши бўлган ҳолатда кам ёнилғи сарфлашини ҳулоса қилишимиз мумкин экан.

Автомобилнинг эксплуатацион хусусиятларини ҳисоблаш натижасида унинг ушбу шароитға масланганлик даражасини баҳолаш кўникмасига эға бўлдик.

Битирув малакавий ишининг конструкторлоик қисмида N3 тоифали MAN CLA 16.220 юк автомобилиға диафрагмали илашиш муфтаси танлаш ва ҳисоблаш ишлари амалға оширилган.

Битирув малакавий ишида, конструкциянинг зарурати, таснифи, вазифаси ва унга қўйиладиган талаблар ва ушбу талабларнинг конструкцияда кондирилиши келтирилган.

Конструкциянинг қисмларида юзаға келадиган юкламалар, унга таъсир этувчи кучлар, унинг иш жараёни таҳлил қилинди. Ҳисоб-китоб натижасида қуйидашилар аниқланди:

						Вара
						53
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана		

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”, 2008-176 б.
2. Каримов И.А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – 56 с.
3. Каримов И.А. Наша главная задача – дальнейшее развитие страны и повышение благосостояния народа. – Ташкент: Узбекистан, 2010. – 72 с.
4. Иванов А.М. и др. Основы конструкции автомобиля, М.ООО “Книжное издательство” “За рулем”, 2005-336 с.
5. В.К. Вахламов. Техника автомобильного транспорта: Подвижной состав и эксплуатационные свойства М: Издательский центр “Академия”. 2004-528 с.
6. Литвинов А.С., Фаробин Я.Е. Автомобиль: Теория эксплуатационных свойств:-М.: Машиностроение, 1989.-240 с.
7. Автомобили: Теория. Под ред. А.И.Гришкевича Минск.: Выш. шк., 1986.-208 с
8. Вахламов В.К. Техника автомобильного транспорта: Подвижной состав и эксплуатационные свойства. М.: Издательский центр “Академия” 2004.-528 с.
9. Осеичугов В.В., Фрумкин А.К. Автомобиль: Анализ конструкций, элементы расчета:- М.: Машиностроение, 1989.-304 с.
10. Лукин П.П. и др. Конструирование и расчет автомобиля. М.: Машиностроение, 1984,-376 с.
11. Проектирование трансмиссий автомобилей. Справочник. Под ред. А.И.Гришкевича. М.: Машиностроение, 1984,-264 с.
12. Автомобили: Конструкция, конструирование и расчет. Системы управления и ходовая часть. А.И.Гришкевич и др. Минск.: Выш. шк., 1987-200
13. Автомобили: Конструкции, конструирование и расчет. Под ред. А.И. Гришкевича. Минск.: Выш. шк., 1985.-240 с.
14. Автомобили: Испытания. Под ред. А.И.Гришкевича. Минск.: Выш. шк., 1991.-187 с.
15. Лукинский В.С. и др. Долговечность деталей шасси автомобиля. Л.: Машиностроение, 1984.-231 с.
16. А. Тўхтаев, Я.П. Абрамян. Машинасозлик чизмачилигидан справочник Тошкент, 2002.
17. А.Мухитдинов, Ш.Хакимов “Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси” фанидан курс ишига услубий қўлланма. ТАЙИ, 2013 й.

						55	Вара
Ўлч.	Вара	Ҳужжат №.	Имзо	Сана			

